



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 27-noyabr. Payshanba • 139-140 (31.887) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 26 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолатидан мамнулигини билдирди, Ўзбекистон Россия билан савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаол ривожлантириш ва диверсификация қилиш тарафдори эканини таъкидлади.

Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларaro комиссиянинг ўн олтинчи мажлиси натижаларини юқори баҳолади.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Россия Ўзбекистоннинг бу соҳаларда муҳим шеригидир. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 7 миллиард АҚШ долларидан ошган. Жорий йилнинг 9 ойида ўзаро савдо ҳажми 4,55 миллиард долларни ташкил этган.

Мулоқот чоғида бу кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг мавжуд салоҳияти даражасида эмаслиги қайд этилди.

Ўзаро муносабатларни ривожлантиришда транспорт ва транзит ташиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланмоқда.

ЎЗА



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРАМИЗ!

**Сийёсий партия аъзоларининг фаоллиги ва ташаббускорлиги, тарафдорларининг кўпчилиги билан қудратлидир. Бу тамойиллар айниқса, сайловлар жараёнида яққолроқ намойён бўлади.**

Бугунги кунда тўрт юз минг нафарга яқин аъзони ўзида бирлаштирган ЎзХДП мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компанияси тизимидаги қорхона ва ташкилотларда ЎзХДП аъзолари бўлган юзлаб юртдошларимиз меҳнат қилади. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Давлат мукофотлари соҳиблари кўпчилики ташкил этади.

Хусусан, «Ўзтемирйўл» ОАЖдаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти ўз атрофида 60 нафарга яқин аъзони бирлаштирган. Ҳозирда улар аҳоли ўртасида партия Сайловолди дастурини кенг тарғиб қилиш, унинг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамиятини

тушунтириш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда.

Мамлакатимиз темир йўл тизимида меҳнат қилаётган юртдошларимиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган номзодларни фаол қўллаб-қувватлашга қарор қилишмоқда.

Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

### МУНОСАБАТ

## Халқимиз турмуш фаровонлиги

муттасил ошиб бормоқда

Президентимизнинг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги Фармони жамоатчилик томонидан катта ҳурсандчилик, миннатдорлик билан қутиб олинди. Ушбу фармон аҳоли даромадларини муттасил ошириб бориш, турмуш даражасини янада яхшилаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, албатта.

Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади, аввало, инсон манфаатларига, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishiга қаратилганининг яна бир исботидир.

Фармонга мувофиқ, 2014 йилнинг 15 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи 118 400 сўм, ёшга доир пенсиялар 231 575 сўм, болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа 231 575 сўм, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа 142 100 сўм миқдорига белгиланди.

Дунёда иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида олиб борилаётган бу каби ишлар халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Ушбу фармон айниқса, бюджет ташкилотлари ходимлари, пенсионерлар, жисмоний имконияти чекланган кишилар давлатимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигида эканини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ислохотларнинг ижтимоий самардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашар экан, ушбу фармон партия дастурий мақсадлари ижросида муҳим ўрин тутди.

Шуни ишонч билан айтиш керакки, халқимизнинг моддий аҳоли йилдан-йилга яхшиланиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўсиши одамларнинг ҳаётидан рози бўлиб яшашига хизмат қилади. Халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш бундан кейин ҳам давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналиши бўлиб қолаверади. Бу эзгу, олижаноб ишлар юртимиздаги тинчлик, аҳиллик, ўзаро ҳамжиҳатлик туфайлидир. Биз кекса авлод вакиллари ёшларимизга, халқимизга бу кунларнинг қадр-қиммати ҳақида доимий равишда тушунтириш ишларини олиб боришимиз керак.

Дилбар ИМОВОВА, меҳнат фахрийси, ЎзХДП фаоли.

## Ободонлаштириш бош бошқармаси

ҳамда «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари амалга оширилган ишлар тўғрисида журналистларга ахборот берди

### ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

## Ёшлар сайловда фаол қатнашади

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида «Ўзбекистонда сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ва сайловда биринчи марта иштирок этаётган талаба-ёшлар қатнашди. Дастлаб сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари ҳақида ёшларга тушунча берилди.

— Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгисидир, — дейди ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова. — Шу боис мамлакатимизда сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилган.

Масалан, сайлов тўғрисидаги қонунларнинг асосий мақсади сайловларнинг очик ва ошқоралигини таъминлашга қаратилган. Хусусан, сайлов жараёнининг барча босқичларида сийёсий партиялардан кузатувчилар, ОАВ вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиши мумкин.

— Биз сайловолди дастуримизда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келямиз, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хайрулла Рўзметов. — Шунингдек, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, таълим тизимини изчил ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўтариш, ёшларни иш билан таъминлаш каби масалалар доимий эътибор марказимизда. Ҳар бир сайловчи, айниқса, биринчи марта овоз бераётган ёшлар партияларнинг сайловолди дастурлари билан яхшилаб танишиб чиқиши муҳимдир. Шунда улар сийёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар қандай ғоя учун курашини тушуниб олади.


► Давоми 2-бетда.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

солиқ ва бюджет соҳалари қатъий тартибга солиниши, пул-кредит муносабатлари такомиллаштирилишини кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим омили, деб ҳисоблайди.

### Бизнинг номзодларга ОВОЗ беринг

3 4 5 6



7

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА

хотин-қизлар иштироки кенгайиб бормоқда



www.uzbekistonovozi.uz



## МЕН САЙЛОВДА БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМАН!

Муқаррам РАСУЛЖОНОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети 2-курс талабаси:

— Авваллари уйимизга сайлов ҳақида хабарнома келганда дадамдан: «Дадажон, мен ҳам сайловга чиқаманми?» деб сўрадим. У киши бўлса: «Йўқ, қизим, 18 ёшга тўлганлар сайловда овоз беради. Сен ҳам шу ёшга кирсанг, албатта, овоз бериш ҳуқуқига эга бўласан», дея жавоб берди.

Кизиқувчан бўлганим сабабли дадамни «Сайлов нима дегани, у ўзи нима учун керак, депутат ким, нима учун депутатларни ҳамма сайлайди, кимга овоз бериш керак?» каби саволлар билан

кўмиб ташлардим. Дадам уларнинг ҳаммасига эринмасдан жавоб берарди. Мен тезроқ катта бўлсам, овоз берсам, деб ўйлардим.

Мана, бу йил орауим ушалиб, сайловда қатнашиш имкониятига эга бўлдим. Сайловда иштирок этиш — бу катта масъулият. Негаки, мен ўзим истаган, ўзим ишонган номзодга овоз бераман. Мен овоз берадиган номзод жамият, мамлакат тақдирига беради, мамлакат тақдирига беради, мамлакат тақдирига беради, мамлакат тақдирига беради, мамлакат тақдирига беради.

сийёсий партиялар Сайловолди дастурлари билан ҳам танишиб чиқишим керак бўлади. Чунки номзодлар партиянинг ғоялари асосида ўз сайловолди дастурини илгари суради.

Қисқача айтсам, мен сайловни шунчаки оддий бир тадбир эмас, шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаро тақдирига дахлдор сийёсий воқеа, деб тушунаман. Сайловда фаол иштирок этиш орқали биз келажагимиз учун овоз берамиз. Шу сабабли тенгдошларимни сайлов жараёнида фаол иштирок этишга чақираман.

Таҳририятимизда ҳуқуқшунослар, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, сиёсатшунослар иштирокида «Сайловнинг давлат бошқарувини янгилаш ҳамда жамият ҳаётини демократлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан газета-мизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.









# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Анджон вилояти

## Дилмурод КАРИМОВ

(9-Анджон сайлов округи)



1983 йилда Анджон шаҳрида туғилган. Наманган давлат университети ҳамда Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос, халқаро ҳуқуқ магистри.

Меҳнат фаолиятини 2005 йилда «Ўзбекистон шампани» очик акциядорлик жамиятида ҳуқуқшуносликдан бошлаган, юридик бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган, 2008-2010 йилларда «Қишлоқ қурилиш банк» Анджон минтақавий филиали бош юрисконсул-

ти, «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослашган шўба инжиниринг компанияси вилоят филиали бош юрисконсулти сифатида фаолият кўрсатган. 2010 йилдан Анджон вилоят ҳўжалик судининг судьяси, 2014 йилда Ўзбекистон судьялар ассоциацияси Анджон вилоят филиали аъзоси этиб сайланган.

Депутатликка номзод педагогик фаолият билан ҳам шуғулланади. У 2006 йилдан Анджон вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳуқуқшунослик фанидан дарс бериб келаяпти.

Ўз меҳнат фаолияти давомида у 19 та қонун ва қонуности ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар билдирган.

Дилмурод Каримов аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий манфатларига оид қонуний ижроси изчил таъминланишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

— Ижтимоий аҳамияти юқори

бўлган қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида уни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш мажбурийлигини қатъий белгилаш лозим, деб ўйлайман, — дейди у. — Бу тартиб қабул қилинган қонунларнинг янада пухта ва мукамал бўлишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, фуқаролар, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун уларнинг судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш зарур. Хусусан, давво аризалари киритилганда олинмаган давлат божи миқдорларини мақбуллаштириш бунда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, суд ҳужжатлари ва хабарномаларини етказишнинг замонавий услубларини жорий этиш орқали процессуал механизмларни такомиллаштириш, суд ҳокимияти самардорлигининг асосий мезонларидан бири — суд қарорларининг тўлиқ ва муддатидан ижросини таъминлаш бўйича қонунчилик ташаббуси билан чиқиш тарafdориман.

## Зафаржон РАҲМОНОВ

(10-Олтинкўл сайлов округи)



1966 йилда Избоскан туманида туғилган. Ҳозирги Анджон қишлоқ ҳўжалик институтини битирган. Мутахассислиги — агроном.

Меҳнат фаолиятини 1990 йилда ўзи таълим олган олий ўқув юртида ассистентликдан бошлаган, катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. 2012 йилдан бўён генетика, қишлоқ ҳўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги кафедраси мудири.

Ўз фаолияти давомида у қишлоқ ҳўжалигини модернизация

қилиш, қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада ошириш борасида ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Шунингдек, селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича илмий изланиш олиб бориб, 2008 йилда номзодлик ишони муваффақиятли ҳимоя қилган. Бугунги кунда «Фаргона» мавзусида илмий иш олиб бормоқда. «АҚХИ-1», «Дурдона» гўза навларини селекция жараёнида яратиб, ҳозирда нав синаш шохобчаларида тажриба ишларини олиб бормоқда.

Унинг 60 дан ортик илмий мақола ва тезислари, ўқув-услубий ишлари нашр этилган.

— Мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш, одамларнинг даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини таъминлаш қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ, — дейди у. — Мен сай-

ловолди дастуримда ана шу масалаларга эътибор қаратганман. Масалан, томорқалардан фойдаланиш самардорлигини ошириш, кичик иссиқхоналар тармогини ривожлантириш орқали нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш, балки озиқ-овқат мўлкўллигига, ички бозорда нарх-наволарни арзонлаштиришга эришиш мумкин. Бундан ташқари, ноғиронларнинг ижтимоий инфратузилмалар, шу жумладан, турар-жой ва жамоат бинолари, транспорт коммуникацияларидан бемалол фойдаланишлари учун шароитларни яхшилаш зарур, деб ҳисоблайман. Шунингдек, аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларини улар учун мослаштирган ҳолда лойиҳалаштириш талаб этилади. Бу фуқаролар учун адолатли, тенг шароитларни яратиш, жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш ва бу борадаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

## Ҳотамжон КЕТМОНОВ

(11-Бўз сайлов округи)



1969 йилда Балиқчи туманида туғилган. Анджон давлат тиллар педагогика институтини битирган. Мутахассислиги — рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини Фаргона вилояти Тошлоқ туманидаги 28-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1995-2004 йилларда Фаргона вилоят халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2004-2013 йилларда Анджон вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият юрит-

ган. 2013 йилдан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси.

Ҳотамжон Кетмонов педагогик фаолияти даврида мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда фаол иштирок этган. Жумладан, вилоятда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш борасида юқори самардорликка эришиш, ўқитишнинг илгор замонавий усулларини қўллаш ишларини ташкил этишда бевосита қатнашган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбари сифатида у партия ташкилотларини янада мустақамлаш, моддий-техник базасини янгилаш, электротар манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш, депутатлик корпусининг ташаббускорлигини кучайтириш билан боғлиқ қатор таклифларни илгари суриб, изчиллик билан амалиётга жорий этиб келмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов дастуридан партия электорати ҳисобланган аҳоли, хусусан, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар бандлигини таъмин-

лаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ишчи-ходимлар учун муносиб меҳнат муносабатларини яратиш ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан долзарб гоялар ўрин олган.

Айниқса, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчилари барқарор иш ўринларига эга бўлиши учун тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан эканига эътибор қаратилган.

Ҳотамжон Кетмонов пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ноғиронлар ва аҳолининг иш қобилиятига эга бўлмаган бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни қаролатувчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини вужудга келтириш масалаларини ўз сайловолди дастурининг асосий йўналиши этиб белгиланган. Шунингдек, у қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, коммунал хизматлар сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

## Дилорамжон АСРАНКУЛОВА

(12-Шаҳрихон сайлов округи)



1968 йилда Қува туманида туғилган. Анджон давлат тиббиёт институтининг даволаш иши факультетини тамомлаган. Олий тоифали врач.

Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Анджон шаҳар 3-туғуруқ комплексидан шифокорликдан бошлаган. 1995-2011 йилларда илмий иш билан шуғулланган. 2001 йилдан Ўзбекистон акушерлик ва ги-

некология илмий текшириш институти доценти, 2009 йилдан кафедра мудири сифатида фаолият юритмоқда.

У ўз малакасини мунтазам равишда оширишга алоҳида эътибор қаратади. Туркия, Таиланд, Россия ва Шотландия давлатларида ўтказилган халқаро анжуманларда қатнашиб, замонавий тиббиётнинг муҳим масалалари бўйича маърузаларини тақдим этган.

Депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, оналар, болалар соғлигини асраш, аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд қатлами учун малакали тиббий-санитария ёрдами ташкил этиш, шунингдек, тиббий соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарурлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Бундан, энг аввало, бизнинг партияимиз электорати манфаатдор бўлади, — дейди у. — Инсон саломатлиги давлатимиз ва жамиятимизнинг энг катта бойлиги экан, соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, бу жараёнга йўналтирилаётган бюджет харажатларининг йил сайин ортиб бориши тарafdориман. Шунингдек, унинг сарфларини устидан самарали парламент назорати, жамоатчилик назорати ўрнатиш зарур, деб ҳисоблайман. Аҳолига бирдамчи тиббий-санитария ёрдами ва мақбул тиббий хизмат кўрсатилишини янада кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш муҳим вазифаларимиздан биридир. Депутат бўлиб сайлансам, бу борадаги тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга ҳаракат қиламан.

## Муқаддасхон АБДУЛЛАЕВА

(13-Асака сайлов округи)



1958 йилда Асака шаҳрида туғилган. Ҳозирги Анджон қишлоқ ҳўжалик институтини битирган. Мутахассислиги — муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Асака тиркамалар заводида назоратчиликдан бошлаган, муҳандис бўлиб ишлаган. 1984 йилдан Асака

индустиал техникуми ўқитувчиси, 1990 йилдан яқка тартибдаги уй-жой қурилиши бошқармаси муҳандиси сифатида фаолият кўрсатган.

2001-2013 йилларда Асака шаҳар ҳокимлигида хотин-қизлар масалалари бўйича бош мутахассис, иш юритиш бўлими мудири, Асака туман ҳокимлигида хотин-қизлар масалалари бўйича бош мутахассис вазифаларида меҳнат қилган.

2013 йилдан Маънавият тарғибот маркази Асака туман бўлими раҳбари.

2011 йил «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишони, 2014 йилда «Шухрат» медали билан тақдирланган.

У фаолияти давомида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўлида ташаббус кўрсатиб

келмоқда.

— Кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг олий таълим муассасаларида тўлов шартнома асосида таҳсил олаётган фарзандлари учун имтиёзли таълим кредитлари бериш тизимини янада такомиллаштириш зарур, — дейди у. — Бундан ташқари, олий ўқув юртларида мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси бўйича кадрлар тайёрлашни қўшимча рағбатлантиришнинг метёрий-ҳуқуқий асосларини янада мустақамлаш ҳам долзарб вазифалардан биридир. Депутат бўлсам, жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳам таклифларимни илгари сурмоқчиман.

## Дурбек МЎМИНОВ

(14-Марҳамат сайлов округи)



1961 йилда Асака туманида туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Тошкент молия институти тамомлаган. Мутахассислиги — тарих фани ўқитувчиси, молиячи. Тарих фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1978 йилда металлургия заводида оддий ишчиликдан бошлаган. 1987-1996

йилларда Асака шаҳридаги 10-мактабда ўқитувчи, директор ўринбосари, Асака шаҳридаги 3-мактаб директори бўлиб ишлаган. 1997-2014 йилларда Асака шаҳар халқ таълими бўлими мудири, Асака шаҳар ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, Анджон давлат университети қошидаги Асака академик лицейи директори, Асака маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, «Ўз-Донг Вон Ко» ёпиқ акциядорлик жамияти харид бўлими бошлиғи ўринбосари, умумий бўлим бошлиғи, Асака автомобил-созлик касб-хунар коллежи директори вазифаларида меҳнат қилган.

2014 йилдан Анджон вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълим бошқармаси бошлиғи вазифасида иш-ламоқда.

Дурбек Мўминов 30 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи.

У ЎзХДПнинг сифатли таълим ва касб-хунар ўрганишнинг ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш гоясини қўллаб-қувватлайди.

— Меҳнатга лаёқатли аҳоли, хусусан, ёшларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг муҳим шакли улар учун муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари яратишдан иборат, — дейди у. — Ўқув юртлари, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг биринчи иш ўринларини кафолатлаш билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, шу асосда таклифлар билан чиқишни сайловолди дастурининг асоси этиб белгиладим.

Шунингдек, бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатилган мактабга таълим давлат муассасалари тармогини кенгайтириш, бу борада метёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасида таклифларим бор.



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Андижон вилояти

### Музаффар БАКИЕВ

(15-Хўжабод сайлов округи)



1971 йилда Асака туманида туғилган. Фаргона политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги — ноорганик моддалар кимёвий технологи. Меҳнат фаолиятини 1994 йилда «ЎЗДЭУавто» ёпиқ акциядорлик жамиятида муҳандисликдан бошлаган ва бошқарувчи (менеджер), «GM-Ўзбекистон» ёпиқ акциядорлик жамияти Глобал харид қилиш бошқармаси директори ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2012 йилдан «O'z-HANWOO»

қўшма корхонаси бош директори.

У давлатимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлайди, бу тизимни янада ривожлантириш тарафдори.

Депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида аҳоли бандлиги ва янги иш ўринлари ташкил этиш дастурларининг асосий параметрларини ишлаб чиқиш ва уларнинг жойларда ижро этилиши устидан самарали парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини тизимли тарзда ўрнатиш гоёсини илгари сурмоқда. Корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги «коллеж-корхона» алоқаларининг йўлга қўйилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Ҳар бир туман ва шаҳар миқёсида коллеж битирувчи-

ларининг мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлашга қаратилган аниқ режаларни ишлаб чиқиш ва амалда ижро этиш борасида мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини янада ошириш керак, — дейди у. — Ҳар бир битирувчининг истиқболдаги иш жойини аввалдан аниқлаш, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини бўлажак иш жойида ўташи самарали ташкил этилса, бу борадаги муаммолар бартараф қилинади.

Бундан ташқари, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, маҳаллийлаштириш дастурлари ижроси самарадорлигини ошириш, юқори ҳақ тўланадиган ва барқарор иш ўринлари ташкил этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур йўналишдаги таклифларим билан қонунчиликни янада такомиллаштиришга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

### Эркин СОЛИЕВ

(16-Пахтабод сайлов округи)



1962 йилда Андижон туманида туғилган. Фаргона политехника институтини машинасозлик технологияси, металл қирқиб дастоқлари ва асбоблари ихтисослиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Андижон «Электроаппарат» заводиди инженер-технолог лавозимидан бошлаган. Кейинчалик «Электрораппарат» заводиди штамп босувчи ва участка мастери бўлиб ишлаган. 1990 йилдан Андижон механика заводиди инженер-тех-

нолог, 1993 йилдан бошлаб «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқаришни бошқариш бўлимида инженер бўлиб меҳнат қилган.

1997-2003 йилларда ишлаб чиқаришни назорат қилиш бўлими менежери, ишлаб чиқариш бошқаруви бўлими менежери вазифаларини бажарган. 2006 йилдан бўлим бош менежери ёрдамчиси, 2007 йилдан таъминот бўлими бошлиғи, 2008 йилдан ишлаб чиқариш бўлими раҳбари, 2009 йилдан харид бўлими бошлиғи, 2010 йилдан техник директор лавозимларида ишлаган. У 2014 йилдан «Ўз Донг Янг Ко» қўшма корхонаси шимолий саноат ҳудуди директори.

— Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз лавом этаётган бир пайтда, юртимизда узоқни қўлаб амалга оширилаётган ислохотлар, инқирозга қарши чуқур ўйланган чора-тадбирлар натижасида иқтисодийнинг юқори ўсиш суръатлари таъминлаб келинапти, — дейди у. — Бунинг натижасида ҳамда инвестиция, маҳаллийлаштириш ва

бошқа қатор мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши, молия ва банк тизимининг барқарорлиги натижасида янги иш ўринлари кўпайишига мустаҳкам замин тайёрланиб, аҳоли, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўз ишига эга бўлаёпти.

Бироқ, очигини тан олиш керак, жойларда бу борада ҳали қилинадиган ишлар оз эмас. Шундан келиб чиқиб, сайловолди дастурида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш борасида қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, «коллеж-корхона» ҳамкорлигини янада такомиллаштириш, яъни битирувчиларнинг ишга жойлашсини оқиндан қафолатлаш, яратилаётган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кенгайтириш, коллежлар ихтисослигини худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари ривожига қараб мослаштириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

### Козимжон АБДУХАЛИЛОВ

(17-Кўрғонтепа сайлов округи)



1984 йилда Асака шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисодиёт факультетини менежмент мутахассислиги бўйича тугатган.

Меҳнат фаолиятини 2005 йилда Асака шаҳридаги «ЎЗДЭУавто» ёпиқ акциядорлик жамиятида механик йиғув ишлари бўйича чилангарликдан бошлаган ва қисмларни маҳаллийлаштириш бошқармаси режалаштириш бўлимида муҳандиси бўлиб ишлаган. 2008 йил-

дан «GM-O'zbekiston» ёпиқ акциядорлик жамияти қисмларни маҳаллийлаштириш бошқармаси режалаштириш бўлимида муҳандиси, 2010 йилдан глобал харид қилиш бошқармаси муҳандиси-технологи, «O'zEcosat» қўшма корхонаси таъсисчилар вакили вазифаларида ишлаб келган. 2011 йилдан мазкур корхона бош директори.

Ҳозирги тараққиёт бошқа соҳалар қатори автомобиль саноатида ҳам ишлаб чиқарилаётган моделларни янгилаб, сифатини яхшилаб боришни тақозо этмоқда. Чунки кучли рақобат шароитида жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш ва уни сақлаб туриш ривожланаётган давлат учун муҳим аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида автомобиль саноатини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалаларига эъти-

бор қаратган. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўрта муддатли инвестицион муҳитни ривожлантиришга ҳуқуқий асос яратиб берувчи меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришни мақсад қилган.

— Агарда маҳсулот ўзимизда ишлаб чиқарилса, бу билан нафақат маҳаллий эҳтиёж қондирилади, балки кўплаб янги иш ўринлари яратилади, маҳсулотни жаҳон бозорига сотиш орқали мамлакатга кириб келаётган валюта оқими кўпаяди, иқтисодий салоҳиятимиз юксалади, — дейди у. — Шунинг учун биз ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, худудлардаги бўш ерлардан мазкур йўналишдаги тармоқларни ривожлантиришда унумли фойдаланишимиз керак, деб ўйлайман. Бу партияимиз электорати манфатларига хизмат қилади. Чунки саноат соҳаси қанча ривожланса, ишчи кучига талаб ҳам шунча ортади.

### Дилшод МАМАЖОНОВ

(18-Избоскан сайлов округи)



1972 йилда Избоскан туманида туғилган. Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини Избоскан шойи тўқиб фабрикасида бошлаган. Сўнг ёшлар ташкилотиди ишлаган. 1998 йилдан Избоскан туман ҳокимлиги мутахассиси, девонхона мудир, 2004 йилдан Андижон вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи етакчи мутахассиси, бош мутахассиси, 2010 йилдан «O'Z-TONG HONG COMPANY»

қўшма корхонаси маъмурият раҳбари, маъмурият директори лавозимларида меҳнат қилган. 2013 йилдан корхона техник директори.

Дилшод Мамажонов қўшма корхона ишчи-ҳодимларининг меҳнат хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳамда атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига ISO 9001:2000 ISO 14001:2004 ва OHSAS 18001:1999 халқаро стандартларини жорий қилиш ҳамда бир қатор сертификатлаштириш жараёнларида фаол иштирок этган. 2011 йилда янги турдаги автомобиль ва автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ихтироси учун ISO TS 16949:2002 сертификатини олди.

Депутатликка номзод ўз фаолиятини давомиди ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. У ўз дастурида ҳам бу борада қатор муҳим масалаларни илгари сурган.

— Мамлакатимизда кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар,

жисмоний имконияти чекланган кишиларга кенг имтиёзлар яратилган, — дейди у. — Шу билан бирга, уларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги, янада ишончли механизмларини жорий этиш зарур. Аини пайтда, давлат ва жамиятнинг гамҳўрлиги уларда боқимандалик кайфиятини келтириб чиқармаслиги лозим. Улар имкон қадар ўз ишнини йўлга қўйиши, оёққа туриб кетиши учун кўмак берилиши керак. Шу боис бу йўналишда яратилаётган қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш зарур, деб ўйлайман.

Депутат этиб сайланган кишида қонунлар яратилиши, қабул қилинишида ва уларнинг жойлардаги ижросини назорат-таҳлил жараёнида бевосита иштирок этиш ваколати пайдо бўлади. Сайловчилар ишончини қозонсам, ушбу ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдаланишга, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга ҳаракат қиламан.

### Феруза УМАРОВА

(19-Хортум сайлов округи)



1973 йилда Андижон туманида туғилган. Андижон давлат тиллар педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Андижон туманидаги 33-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1995 йилдан Андижон туман хотин-қизлар кўми-

таси бош мутахассиси, 2004 йилдан тумандаги 5-мактабга-ча таълим муассасаси мудир, 2006 йилдан туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими мутахассиси бўлиб меҳнат қилган. 2007 йилдан Андижон туман ҳокимлигида Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича бош мутахассис.

У ЎЗХДП Дастурий гоъларига ҳамроҳанг равишда жамиятда хотин-қизлар мавқеини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий қизларни қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан қатор ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Шу билан бирга, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантиришда хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳамда сиёсий билимларини ошириш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

— Соғлом она — соғлом бола Концепцияси бўйича юртимизда катта ишлар қилинмоқда, — дейди у. — Аммо менинг фикримча, бу етарли эмас. Хусусан, хотин-қизларимизнинг тиббий саводхонлигини ошириш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди. Аёлларимизда тиббий саводхонлик юқори бўлса, оилаларда соғлом турмуш тарзи қарор топиб, соғлом авлод воғга етади.

Мен бу борада қонуний асосларни янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун қўшимча имтиёзлар яратиш масаласида ўз таклифларимни илгари сурмоқчиман.

### Нодирбек КОМИЛОВ

(20-Чинобод сайлов округи)



1972 йилда Асака шаҳрида туғилган. Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтини тамомлаган. Мутахассислиги — йўл алоқалари электр муҳандиси.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонасида муҳандисликдан бошлаган ва ишлаб чиқаришни алмаштириш гуруҳи раҳбари, харид қилиш бўлими таъминотчилар алмашуви бўлимида бошлиғи вазифалари-

да ишлаган. 2011 йилда «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида бўлим бошлиғи бўлган. 2011 йилдан «ЎЗ-СэМюнг Ко» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамияти бош директори.

Депутатликка номзод Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш муаммоларини қўллаб-қувватламоқда.

— Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди у. — Амалга оширилаётган ислохотлар, инқирозга қарши чоралар натижасида иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланаёпти. Инвестиция, маҳаллийлаштириш ҳамда бошқа қатор мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши, молия ва банк тизими барқарорлиги иш ўринлари кўпайишига, ёшлар бандлигини

таъминлашга мустаҳкам замин яратиш бермоқда. Бироқ бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали талайгина. Масалан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш чора-тадбирлари улар ўқишини тугатганидан кейин эмас, балки ундан олдин пухта ўйлаб кўрилиши керак, назаримда. Бунинг учун тегишли худудларда кадрлар тайёрлаш ва инвестиция дастурларини ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқиш амалиётини янада такомиллаштириш, бу борадаги қонун ҳужжатлари устидан парламент назоратини тизимли олиб бориш зарур, деб ўйлайман.

Сайловчилар ишонч билдириб, депутатликка сайласа, иш ўринлари яратиш бўйича таклифларимни билдириман. Шунингдек, иш берувчи масъулиятини ошириш масалаларида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Бухоро вилояти

## Санжар ФОЗИЛОВ

(21-Бухоро сайлов округи)



1979 йилда Когон туманида туғилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 2001 йилда ўзи тахсил олган университетда ўқитувчилардан бошлаган. 2002-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида иқтисодчи, вазирлик хузуридаги Солиқ-бюджет сисъати марказида етакчи илмий ходим вазифаларида ишлаган. 2003-2004

йилларда Халқаро валюта фондининг стипендияси орқали Япония тадқиқотлар миллий институтида тахсил олган. 2004-2010 йилларда Молия вазирлигида етакчи иқтисодчи, «Ўзсаноатқурилишбанк»да етакчи мутахассис, бўлим бошлиғи, Ўзбекистон — Корея ривожланиш банкида молиявий назорат бўлими бош мутахассиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Бухоро вилоят Бош бошқармасида етакчи иқтисодчи, бош иқтисодчи, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Бухоро вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

У Ўзбекистон расмий делегацияси таркибиде АҚШ, Германия, Япония, Австрия, Швецария ва Корея давлатларида ўтказилган халқаро конференциялар, илмий анжуман ва ўқув-семинарларда қатнашган. Меҳнат

фаолияти давомида молия-банк, пул-кредит соҳаларида яхши тажриба тўплаган.

Юртимиздаги ижтимоий соҳани молиялаштиришга давлат бюджетининг салмоқли қисми сарфланаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган бюджет ва молия сисъатининг муҳим ютуғи, деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий ғояларини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз сайловли дастурида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, модернизациялаш ва технология жihatдан янгилашда тижорат банкларининг инвестициявий фаолигини янада ошириш, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналаридаги таркибий ўзгаришларни банкларнинг кўмаги асосида изчил давом эттириш, ҳудудларда барқарор иш ўринлари ташкил этиш каби вазифаларни амалга оширишни устувор мақсад деб белгиланган.

## Ҳафиза АРТИКОВА

(22-Когон сайлов округи)



1976 йилда Бухоро туманида туғилган. Бухоро давлат университети аграр факультетини тугатган. 2005 йилда тупроқшунослик мутахассислиги бўйича илмий иш ёқлаган.

Меҳнат фаолиятини 1997 йилда ўзи тахсил олган университетда ўқитувчилардан бошлаб, катта ўқитувчи, кимё-биология факультети декани ўринбосари бўлиб ишлаган. 2011 йилдан кимё-биология факультети

декани вазифасида фаолият юритмоқда.

У 40 дан ортиқ илмий мақола, монография, услубий қўлланмалар муаллифи. Вилоят, республика ва халқаро даражадаги ёш олимлар анжуманларида мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда. Унинг илмий раҳбарлиги остида Ўзбекистон давлат ер лойиҳалаш институти Бухоро филиали билан ҳамкорликда тупроқ шўрланиш харитаси тузилиб, чоп этишга тавсия қилинган.

Ҳафиза Артикова хотин-қизларнинг ижтимоий-сисъий фаролигини ошириш, аҳоли орасида партия ғояларини тарғиб қилиш ва таълим тизимини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишларда фаол қатнашмоқда.

— Йирик корхоналарда касаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий

квоталар белгилаш орқали аҳоли, жумладан, аёллар ва жисмоний имконияти чекланган қишларни, айниқса, ногирон аёлларни касаначиликка жалб қилиш ишларини кенгайтириш зарур, — дейди у. — Шунингдек, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун имтиёзли микрокредитлар олиш механизминини янада соддалаштириш масаласи дастурида алоҳида ўрин олган. Албатта, бунда жисмоний имконияти чекланган фуқаролар манфаатини ҳисобга олиш лозим. Агар биз жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, қўлидан иш келадиган хотин-қизларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватласак, амалий кўмак берсак, партиямиз дастурий мақсадлари ижросига хизмат қилиши билан бир қаторда, электоратимиз турмуш фаровонлиги орттишига ҳисса қўшган бўлаемиз.

## Матлаб ТИЛАВОВА

(23-Шоҳруд сайлов округи)



1968 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Ҳозирги Бухоро давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — умумтехника фанлари ва меҳнат таълими ўқитувчиси. Педагогика фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини Бухоро шаҳридаги I-мактаб-интернатда ўқитувчилардан бошлаган. 1993-2008 йилларда Бухоро давлат университети педагогика факультети ўқитувчиси, катта ўқитувчиси

бўлиб ишлаган. 2009 йилда «Ўқувчиларда гендер тенглик ва фарқлар асосида умуммеҳнат кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шу йилдан бошлаб Бухоро давлат университетиде бошланғич таълим асослари кафедраси муdiri вазифасида фаолият юритган. 2012 йилдан Бухоро педагогика коллежи директори.

Илмий изланишлари давомида 40 дан ортиқ мақола ва рисоалари, 4 та ўқув-услувий қўлланмаси, 1 та монографияси чоп этилган. «Бошланғич синф меҳнат дарсларини ташкил этиш технологиялари» қўлланмаси ҳамда «Гендер тенглик ва фарқлар асосида ўқувчи фаолиятини ривожлантириш имкониятлари» монографиясидан умумтаълим мактаби ва касб-ҳунар коллежларининг меҳнат таълими ўқитувчилари, тадқиқотчилар фойдаланиб келмоқда. Умумтаълим мактаблари бошланғич синфларида меҳнат дарслари самаралорлигини оши-

ришга доир бир қатор қўлланмалари ўқитувчиларга фойдаланиш учун тавсия қилинган.

— Ёшлар мамлакатимиз келажиги, — дейди у. — Улар таълим олиши, касбий малакасини ошириб, етуқ мутахассис бўлиб, мустақил ҳаётга кириб келиши учун доимий равишда қўллаб-қувватлашимиз керак. Бунинг учун эса ёшларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ турли йўналишларда тадқиқотлар олиб боришни рағбатлантириш ҳамда уларнинг ҳулосалари ва натижаларини мамлакатимиз таълим тизимига изчил жорий этиб бориш зарур, деб ўйлайман.

Бугунги ўқитувчи чет тилларни билиши, жаҳон таълим жараёнларидан хабардор бўлиши, интернет, компьютер техникасини мукамал ўзлаштириши давр талабидир. Бу жараёнда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари алоҳида ўрин тутди. Сайловли дастурида шу масалаларга эътибор қаратдим.

## Фарҳод УМАРОВ

(24-Ибн Сино сайлов округи)



1977 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Тошкент молия институти тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис, банк иши.

Меҳнат фаолиятини 1997 йилда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ходимлар бўлимида бошлаган. 1999-2002 йилларда

Бухоро шаҳар иқтисодиёт ва банк коллежида ўқитувчи, «Тошкент-Когтон» қўшма корхонасига қарашли 3-сон «Чақмоқ» фабрикасида иш юритувчи, бош ҳисобчи бўлиб фаолият кўрсатган. 2002-2012 йилларда Бухоро шаҳар молия бўлими, вилоят молия бошқармасида турли вазифаларда ишлаган, вилоят газначилик бошқармаси бошлиғи бўлган. 2012 йилдан Бухоро вилоят молия бошқармаси бошлиғи.

У депутатликка номзод сифатида яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини микрокредитлаш тизимини янада ривожлантириш, кам таъминланган аҳоли қатлами, биринчи навбатда, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам маблағлари манзиллигини таъминлаш каби масалаларни илгари сурмоқда.

— Ижтимоий ҳимояга эҳтиёж-

манд кишилар фаровонлигини таъминлашнинг яна бир йўли — уларнинг ўз иши, оилавий бизнесини йўлга қўйишида ёрдам беришдан иборат, — дейди у. — Бу борада мамлакатимизда катта имкониятлар яратилмоқда. Ўз ишини бошламоқчи бўлган кишилар, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микромолиявий сармоялар билан таъминлаш ишлари тобора кенгайиб бормоқда. Агар депутатликка муносиб кўрилсам, бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиши ғоясини илгари сураман. Юртимизда ижтимоий соҳани молиялаштиришга сарфланаётган давлат бюджети маблағларининг самарали ва манзилли ишлатилишига эришиш, солиқ базасини кенгайтириш борасида тақлифлар ишлаб чиқишни ният қилганман.

## Илҳом ҚИЛИЧЕВ

(25-Варахшо сайлов округи)



1971 йилда Бухоро туманида туғилган. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини Бухоро туманидаги гишт ишлаб чиқариш заводида муҳандисликдан бошлаган. 1995-1998 йилларда Бухоро туман молия бўлимида

иқтисодчи вазифасида ишлаган. 1998 йилдан Бухоро вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасида тафтишчи, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирлашмаси раиси, вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасида бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2013 йилдан «Амубухороканалқурилиш» очик акциядорлик жамиятининг I-сон кўчма механизациялашган коллоннаси бошлиғи.

— Партиямиз Сайловли дастурида давлатнинг монополияга қарши тартибга солувчи

ролини янада такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга товарлар ва хизматлар нархларини шакллантириш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш тизимини янада соддалаштириш масалалари илгари сурилган, — дейди у. — Бу аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Шундан келиб чиқиб, мен ўз сайловли дастурида айнан ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратдим. Монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, кўрсатиладиган хизматлар нархлари бизнинг электоратимиз учун ҳам мақбул бўлиши керак. Сайловчилар ишонч билдирса, бу борада қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ташаббусини илгари сурмоқчиман.

## Дилафруз ЮЛДАШЕВА

(26-Пайкент сайлов округи)



1973 йилда Қоракўл туманида туғилган. Самарқанд давлат тиббиёт институти тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Бухоро вилоят болалар шифохонасида бошлаган. 1997-2008 йилларда Қоракўл туман Марказий шифохонаси болалар поликлиникасида врач-педиатр, Марказий туғуруқхона комплексида неонатолог шифокор

сифатида фаолият олиб борган. 2008 йилдан Қоракўл туман тиббиёт бирлашмаси I-болалар бўлими муdiri.

Дилафруз Юлдашева ўз сайловли дастурида соғлиқни сақлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларига сифатли бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва мақбул тиббий хизмат кўрсатилишини янада кенгайтириш масалаларини илгари сурган.

— Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фуқаролар соғлигини таъминлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди, — дейди у. — Бу ислохотларни янада ривожлантирган ҳолда жисмоний имконияти чекланган кишилар ва бошқа айрим тоифаларга имтиёзли асосда бериладиган дори

воситалари ва тиббий жиҳозлар рўйхатини кенгайтириш, фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори воситалари ва тиббий анжомларга нархларнинг қўйилиши устидан назоратни кучайтириш зарур, деб ўйлайман.

Шунингдек, ривожланиш сусет бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини янада ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида кадрлар салоҳиятини ошириш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

Депутат бўлиб сайлансам, бу йўналишдаги ишларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашда фаол иштирок этман.



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Бухоро вилояти

### Қахрамон ФАТИЛЛАЕВ (27-Жилвон сайлов округи)



1962 йилда Бухоро туманида туғилган. Ҳозирги Ташкент ирригация ва мелиорация институтини тамомлаган. Мутахассислиги — инженер-гидротехник.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда «Амубухороканалқурилиш» бошқармасида усталикдан бошлаган ва етакчи мутахассис, бўлим бошлиғи, бош муҳандис, бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимда ишлаган. 2009-2011 йилларда эса «Аму-

Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси» бошлиғи вазифасида меҳнат қилган.

2011 йилдан «Ўзмахсуссувқурилиш ихтисослашган компания»си давлат корхонаси директори бўлган. 2009 йилда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати этиб сайланган.

У ЎзХДП ғояларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, аграр соҳани ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ташаббусларни илгари сурмоқда.

— Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олишда ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланишнинг аҳамияти беқиёс, — дейди у. — Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривож-

лантириш эса ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ.

Биз аҳолининг сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг асосий омилларидан бири — қишлоқ хўжалигини ривожлантириш эканлигини яхши тушунаимиз. Мамлакатимиз бу борада катта салоҳиятга эга. Фақат ундан технологияларга асосланган маҳсулотлар етиштириш учун янада қулай шароитлар яратиб бериш зарур, деб ҳисоблайман. Депутат бўлиб сайлансам, бу борада ўз таклифларимни билдиришга ҳар қандай ҳаракатимдан қўймасман.

### Фарҳод ЖУМАЕВ (28-Ғиждувон сайлов округи)



1963 йилда Ғиждувон туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг биология-генетика факультетини битирган. Биология фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда мактабда ўқитувчиликдан бошлаган ва ўзи таҳсил олган университетда илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. 1989-1992 йилларда университетнинг Генетика кафедраси лаборанти, 1993-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси

Фанлар Академияси генетика ва ўсимликлар экспериментал биология институти илмий ходими, 1998-2001 йилларда Бухоро давлат университети аграр факультети доценти, илмий ишлар бўйича декан ўринбосари, 2001-2013 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази Бухоро бўлими раҳбари лавозимларида ишлаган. 2013 йилдан Бухоро вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

Унинг бир неча илмий мақолалари журналларда, тўпламларда чоп этилган. У пахтачиликни ривожлантиришга бағишланган бир неча халқаро анжуманларда иштирок этган. Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва ердан унумли, оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмуҳаббатларни чуқурлаштиришда илгор ютуқлардан оқилона фойдаланиш каби долзарб масалалар бўйича илмий-тадқиқотлар яратган.

У аграр соҳани илмий асосда ривожлантириш, атроф-муҳитни тоза сақлаш, ўсимликлар дунёсини

асраш, экология бузилишининг олдини олишда жамиятда ижтимоий бирдамликни кучайтириш жуда муҳим, деб ҳисоблайди.

Депутатликка номзод ўз сайлов олди дастурида аҳолининг кам таъминланган қатламларини манзилли ҳамда аниқ мақсадли ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришни илгари сурмоқда. Бунинг учун қишлоқ жойларида истиқомат қилинган фуқароларга томорқа ерларидан самарали фойдаланиш учун янада кенг шароит яратиш, қишлоқ хўжалигидан тушган маблағлар ҳисобидан ижтимоий уй-жой фондини ташкил қилишнинг аниқ механизмларини яратишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

— Биз қандай масалани илгари сурмайлик, партиямиз электорати манфаати доимо диққат марказимизда бўлиши керак, — дейди у. — Депутат бўлиб сайлансам, кам таъминланган оилалар, ноғиронлар муаммоларини ҳал этишга асос бўладиган қонунлар устида ишлашни бурчим, деб ҳисоблайман.

## Сирдарё вилояти

### Мавлюда МАМАТКАРИМОВА (64-Гулистон сайлов округи)



1966 йилда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида туғилган. Педагогика институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Гулистон туманидаги 5-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1994-1996 йилларда Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими педагогика кабинети мудири, 1996-1997 йилларда

туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитасида бош мутахассис сифатида фаолият кўрсатган. 1997-2013 йилларда эса Деҳқонobod шахарча фуқаролар йиғини маъсул котиби, 2013 йилдан ҳозирги кунга қадар мазкур фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Унинг ташаббуси билан Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўртасида мустақкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Мавлюда Маматкаримова сайловолди дастурида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ноғирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш имкониятларини ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлаш, келажакда улар учун бюджетдан ташқари моддий ёрдам фондларини шакллантириш ва маҳаллани,

аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш марказига айлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, унинг дастурида қонунчиликда аҳолининг банд бўлмаган қатлами вакиллари ўз ишини очиб ва бизнес юритиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этиш бўйича белгиланган меъёрларни амалга оширишга кўмаклашиш, ижтимоий хизматлар, ташкил этилаётган маслаҳат марказлари мақбулликни таъминлаш устида депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

Мавлюда Маматкаримова 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонига мувофиқ «Шухрат» медали билан мукофотланган.

### Зулхумор ХОЛИҚОВА (65-Сайхун сайлов округи)



1959 йилда Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида туғилган. Ҳозирги Гулистон давлат университетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Жиззах вилояти Зомин туманида ўқитувчиликдан бошлаган. 1981-1994 йилларда Сирдарё туманидаги 13-мактабда тарих фани ўқитувчиси, 1994-2007 йилларда эса маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2007 йилдан ҳозирги

кунгача мазкур мактаб директори лавозимда ишлаб келмоқда.

У нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа давлат идоралари билан ҳамкорликда вояга етмаган ноғирон болаларни жамиятда ўз ўрнини топиши борасида кенг қўламли ишлар олиб бормоқда. Шу билан бирга, ишга жойлаштиришда қийинчиликларга дуч келаётган кишиларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ўзининг муқоабил таклифларига эга.

Зулхумор Холиқова камтарлиги, ҳушмуомалалиги, меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари орасида хурмат-эътибор қозongan.

Унинг сайловолди дастурида ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш амалиётини янада ривожлантириш, хусусан, ўқувчиларнинг юқори касбий малакасини кафолатловчи ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш борасида корхона ва ташкилотлар масъулиятини ошириш

устувор вазифа этиб белгиланган.

— Депутат бўлиб сайлансам, ҳозирда муҳим масала ҳисобланган бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахсларнинг меҳнат фаолияти қонуний асосларини такомиллаштиришга ҳаракат қиламан, — дейди у. — Шунингдек, пенсия таъминоти ва ижтимоий сугурта билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни режалаштиришганман. Ноғиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналар ташкил этиш, жумладан, бу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан шу каби корхоналар тармоғини ривожлантириш механизминини ишлаб чиқиш бўйича таклиф бермоқчиман.

Зулхумор Холиқова Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида асосан 2006 йилда «Дўстлик», 2014 йилда «Филокорона хизматлари учун» орденлари билан тақдирланган.

### Шоҳида ҚАРШИЕВА (66-Янгиер сайлов округи)



1965 йилда Сирдарё вилояти Сайхунobod туманида туғилган. 1992 йилда ҳозирги Ташкент тиббиёт академиясини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Янгиер шаҳар марказий шифохонаси реабилитация бўлимида терапевт вазифасидан бошлаган. 1996 йили 1-сон поликлиникада терапевт, 2000 йилдан терапевт, эндокринолог бўлиб ишлаган. 2005 йилдан

Янгиер шаҳар кўп тармоқли Марказий поликлиника мудири, шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, 2013 йилдан вилоят Эндокринология диспансери бош шифокори вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Шоҳида Қаршиева қаерда, қайси вазифада бўлмасин, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, она ва бола саломатлиги муҳофазаси, соғлом ва баркамол авлод тарбияси ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш борасидаги ишларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, маҳаллалар, корхона-ташкilotлар, таълим муассасаларида санитария гигиена талабларига амал қилиш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича кўплаб ташаббусларни илгари сурмоқда.

Шоҳида Қаршиева ўз сайловолди дастурида асосий эътиборни Янги-

ер шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, эҳтижманд қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-машиий муаммолар ечимига қаратган.

— Депутат бўлсам, ҳудудларда энергия таъминотини яхшилаш, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жаҳон талаблари даражасида ривожлантириш бўйича аниқ таклифларини қонунчиликда акс этишига ҳаракат қиламан, — дейди у. — Шу орқали янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишни мақсад қилганман. Шу билан бирга, меҳнатга кам ҳақ тўланадиган жойларда иш беришни ва ходимлар ўртасида оқил меҳнат муносабатларини ўрнатилиш, меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий ва бошқа кафолатларга амал қилинишни рағбатлантириш масаласи сайловолди дастурининг асосий йўналиши ҳисобланади.

### Гулчеҳра ИСЛАМОВА (67-Оқолтин сайлов округи)



1971 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган. Гулистон давлат университетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Самарқанд вилояти Пайариқ туманида бошлаган. 1996-2005 йилларда Оқолтин туманидаги 8-, 22- умумтаълим мактабларида ўқитувчи, 10-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўрин-

босари, 2009 йилдан ҳозирги кунга қадар мазкур мактаб директори лавозимда фаолият кўрсатмоқда.

У меҳнат фаолияти давомида ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Гулчеҳра Исламова ўз сайловолди дастурида имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар учун таълим кредитлари бериш тартибларини янада соддалаштириш, шунингдек, корхона ва ташкilotларда эҳтиж сезилаётган мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларига мақсадли қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби партиямиз сайловолди дастурида

белгиланган масалаларга алоҳида эътибор қаратган.

— Депутат бўлиб сайлансам, жисмоний имконияти чекланган талабаларнинг олий ўқув юртларида имтиёзли таълим олишининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича иш олиб бормоқчиман, — дейди у. — Бундан ташқари, хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш, ҳудудда етиштирилаётган маҳсулотларни ўша ернинг ўзига қайта ишлаш ҳисобига кичик саноатни ривожлантириш бўйича таклифларини илгари сураяман. Бу эса аҳолининг иш билан таъминланиши, турмуш фаровонлиги ортиши, энг муҳими, мамлакат тараққиётига хизмат қилади.



ТАДБИР

# Кўриқлаш хизматига замонавий технологиялар

**Ички ишлар вазирлиги «Кўриқлаш» республика бирлашмаси томонидан «Замонавий интеграллашган комплекс хавфсизлик тизими ёрдамида турли мулкчилик шаклидаги кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**

Тадбирда қайд этилганидек, республика ички ишлар идоралари хузуридаги кўриқлаш бўлинмалари Ички ишлар вазирлиги тизимидаги йирик хизматлардан бири ҳисобланади. Хизмат ўз фаолиятини тўлиқ ҳужалик ҳисобида юрилади ва корхона, ташкилотлар, фуқароларга кўрсатилаётган кўриқлаш хизмати эвазига тўлаётган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

Бугунга келиб республика ички ишлар идоралари хузуридаги кўриқлаш бўлинмаларида 171 та техник кўриқлаш пунктлари (ТҚП) фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жами ўн бир мингдан ортиқ объект ёки жами кўриқлашдаги объектларнинг 66 фоизи кўриқланади. Бундан ташқари, ТҚПлар 9 мингдан ортиқ фуқаро хонадонини ҳам кўриқлайди.

Таъкидлаш керакки, шу йилнинг ўн ойи давомида 3 мингга яқин объект ва 4 мингдан ортиқ хонадон янгидан ТҚП кўригига олинди.

Маълумки, республикада маълумотларни узатувчи курилмаларни ёки марказлаштирилган кузатув пултиларини ишлаб чиқарадиган корхоналар мавжуд эмас.

Мазкур масалани ҳал этиш мақсадида Россия Федерациясининг Волжский шаҳрида ишлаб чиқарилган «Ахтуба», Иркутск шаҳрида ишлаб чиқарилган «Приток-А» ва Санкт-Петербург шаҳрида ишлаб чиқарилган «Заря» маълумотни узатувчи курилмалар ўрганилди ва «Приток-А» интеграллаштирилган маълумотни узатувчи курилмаларни Тошкент шаҳрида синовдан ўтказишга қарор қилинди.

2012 йилнинг ноябрь ойида

жиҳозлар Тошкент шаҳри М.Улўбек тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлимининг 1-ТҚПга ўрнатилиб, 14 та объект, 1 та хонадон уларди ва синов ишлари бошланди.

Дастлаб олти ойга мўлжалланган синов ушбу жиҳозларнинг ишчанлиги, ишончилигини кўрсатди. Ушбу қурилма кўп функцияли ҳисобланиб, ҳам миссимли, ҳам шиша толали алоқа тармоқларида ишлайди.

Шиша толали алоқа тармоқларининг қулайлиги шундаки, бунда ахборот узатишнинг тезлиги ва ҳажми юқори бўлиб, уни ётқизиш ҳам иккисодий жиҳатдан қулай.

Мазкур алоқа тармоқлари орқали ахборот узатишнинг кўплаб турларини, хусусан, рақамли телефон, видео ва бошқа сигналларни узатишни амалга ошириш мумкин. У сарфланган харажатларни қисқа муддатларда қоплаши билан ҳам аҳамиятли.

«Приток-А» курилмаси шиша толали алоқа тармоқларининг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланади. Хусусан, курилма интернет тармоғи, рақамли, модемли телефон тармоқлари, GSM уяли алоқа каналлари ҳамда ултра-

қисқа тўлқинли радио тармоқларида ишлаш олади.

Ҳозир ушбу тармоқларни хизматга жорий этиш борасида аниқ шартлар амалга оширилмоқда.

Техник кўриқлаш йўналишини ислоҳ қилиш 2013-2016 йилларга мўлжалланган бўлиб, уч босқичда амалга оширилади. Ҳозирда биринчи босқични бажариш борасидаги ишлар жадал бормоқда.

Хонадонларни кўриқлаш масаласи ҳақида ҳам қисқача тўхталсак.

Бир хонадонни бир ой давомида ТҚП ёрдамида кўриқлаш учун олинган хак ҳозирда 17 277 сўмни ташкил қилади.

Ушбу ҳақ хонадон эгаси ўз мулкни 379 500 сўмга баҳолаганда олинади. Хонадон соҳиби ўз мулкни қимматроқ баҳолайдиган бўлса, кўриқлаш ҳақи ўша сумманинг бир фоизи микдорда белгиланади.

Бир хонадонни сигнализация билан жиҳозлаш (сигнализация жиҳозлари, ускуналар ва ўрнатиш хизматларини қўшиб ҳисоблаганда) 35 000 сўмдан, хонадон эгасининг хоҳишига кўра ўрнатишдан кўриқлаш жиҳозларининг



туридан келиб чиқиб, ўрнатиш ўзгариши мумкин.

Кўриқлашнинг яна бир хизмати — «Ташвиш» тугмачаси хизмат туридан кассалар, банкар, кўнгилочар муассасаларда самарали фойдаланилмоқда. Шунингдек, ўз ҳаёти, соғлиги, хотиржамлигини ўйлаган фуқаролар ҳам хизматнинг ушбу туридан фойдаланади. Хизматнинг бу турида мижоз ўзига керакли вақтда «Ташвиш» тугмачасини босиб орқали милиция нарядини хонадон, дўкон, кўнгилочар муас-

сага, қисқаси, тугмача қаерга ўрнатиш бўлса, ўша ерга чақариши мумкин. «Ташвиш» тугмачасининг бир соатлик нархи 1207 сўмдан иборат.

Кўриқлаш хизматига замонавий технологияларни жорий этишдан кўзланган мақсад — фуқаролар тинчлиги, хотиржамлигини таъминлаб, уларнинг мол-мулкни турли тажовуздан ишончли ҳимоя қилишдир.

**Равшан ШОДИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



## Эбола вируси шифокорни нобуд қилди

**Гарбий Африка мамлакатларида хануз ўткир бўлиб турган муаммо — Эбола вирусининг тарқалишидан нафақат Африка давлатлари, балки ривожланган мамлакатлар фуқаролари ҳам азият чекмоқда, дейилади интернет хабарларида.**

Америкалик жарроҳ Мартин Сэлиа Сьерра-Леонеда вирусга қарши кураш ва беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида кўнгилочар гуруҳида фаолият юритарди. Бироқ унинг ўзи бу балога дучор бўлган мамлакат ахлини ларзага солди.

Вирусни юктириб олган жарроҳ Небраска штати университети қошидаги Омаха шаҳар тиббиёт марказида даволанди, бироқ уни сақлаб қолишнинг иложиси бўлмади. Айнан



шу ташхис билан шифохонага тушган бошқа беморларга қараганда Сэлианинг аҳволи оғир эди.

Яқинда «Чегара билмас шифокорлар» ташкилоти Гарбий Африкадаги эпидемик аҳвол билан боғлиқ янги маърузани эълон қилди. Унда қайт этилишича, аҳвол тобора кийинлашиб бормоқда. Вирус юкити натижасида ўлим даражаси 90 фоизни ташкил этмоқда.

Экспертларнинг айтишича, ҳозирча вирус инсондан инсонга унинг биологик суяқлиги — қон ва сўлак орқали юкмоқда. Бироқ шундай хавф ҳам йўқ эмаски, вирус янада «мукаммаллашиб» бормоқда ва ҳаво-томчи орқали ҳам тарқалиши мумкин.

## Компьютер ва роботлар

**Оммавий ишсизликни юзага келтиради**

**Замонавий технологияларнинг фантастик истиқболи келажакда кўл меҳнатини бутунлай чеклаб қўяди. Британиялик олимларнинг башоратларига қараганда, яқин 10-20 йилдан кейин мамлакатда 10 миллион одам ишсиз қолади.**



Бундай «бахт»га биринчи ўринда йилига 30 минг фунт стерлингдан кам даромад килувчи ишчилар, яъни малакали мухтаassisлик талаб қилмайдиган, аниқроғи, кўл меҳнати билан шуғулланувчилар ва ёрдамчи вазибаларда банд бўлганлар «сазовор» бўлади.

Молия соҳаси, адвокатура, шифокорлик, муҳандислик ва муаллимлик янги даромад соҳиблари бўлиб қолаверди. Негаки, замонавий роботлар қанчалик мукаммаллашмасин, ижодий меҳнат талаб қилинадиган соҳани бутунлай «забт» этолмайди.

Компьютер ва рақамли технологиялар ҳатто ёзув-чизув билан шуғулланувчи кичик хизматчиларнинг ҳамда сотувчи ва курилиш ишчиларининг, ҳатто кон санаоти ишчиларининг-да меҳнатини ўз зиммасига олиб, уларни меҳнатдан озод қилгани ишсизлик даражасининг ортишини вужудга келтиради.

Оксфорд университети олимлари ҳисоб-китобича, ҳар учинчи британиялик ривожланган технология шарофати билан ишсиз, деган мақомни олишга мажбур.

Бу жараён ҳозирдан бошланган, дейилади «Мир новостей» хафталиги ахборотида. Лондонда 2001 йилдан бери 65 фоиз кутубхоначи, котиба ва идора ходимларининг ишчи роботлар ўз зиммасига олган. Соҳа ходимлари эса бошқа иш топшига мажбур бўлган.

Ҳозирги кунда Британия пойтахтида йилига 3 фоиз иш ўрни қисқармоқда. Айнан шунга ўхшаш жараён санаоти ривожланган бошқа мамлакатларда ҳам кузатишмоқда.

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлаш мақсадида журналистлар учун шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳамда «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ушбу тизимлар ва уларнинг вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.**

## Ободонлаштириш бош бошқармаси

**ҳамда «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари амалга оширилаётган ишлар тўғрисида журналистларга ахборот берди**

Бугунги кунда Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимида 9 та бюджетдан молиялаштириладиган ихтисослаштирилган бошқарма ҳамда 4 та ҳужалик ҳисобидаги ташкилот мавжуд.

— Шаҳримиз ҳудудидаги жамоат транспорти қатнайдиган кўчалардаги йўл ва йўлакларни таъмирлаш, йўлларнинг ҳолатини талаб даражасига келтириш ҳамда аҳолига йўллардан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида 2013-2014 йилларда йўл ва йўлакларни буткул таъмирлаш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинди. Уларга асосан ўтган йилда 287,42 минг квадрат метр йўллар таъмирланиб, сарфланган маблағ 9249,4 миллион сўмни, жорий йилнинг ўтган 10 ойида эса 144,3 минг квадрат метр йўллар таъмирланди ва унга 5326,9 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди **Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиги Абдувоҳид Каримов**. — Шунингдек, Республика Йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан Нурафшон кўчаси (Г-50, 5,1 км) қурилиб битказилди. А.Қодирий ва Лабзак кўчалари чорраҳасида автомобиль йўл ўтказгичи қуриб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда Амир Темур шох кўчасининг (Қўлоқтепа кўчасидан катта ҳалқа йўлигача) бўлган қисмида ҳамда Ширин кўчасида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда шаҳримизнинг кўплаб майдон ва хибонларини кенгайтириш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Агарда шаҳримизнинг яшил майдонлари 1990 йилда бор-йўғи 6800 гектарни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб унинг майдони 15200 гектарга етди. Яъни, 1990 йилга нисбатан 2-2,5 бараварга ошди.

Бундан ташқари, тадбирда Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан шаҳар ҳудудидаги дарахтар, бута кўчатлари парвариши, ҳозирда давом этаётган ҳазонрезги мавсумида амалга оширилаётган ишлар, ландшафт дизайни борасида тўпланган тажрибалар, ташкилотларнинг техник таъминоти, куз-қиш мавсумига тайёргарлиги борасида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Пойтахтимиз озодалигини сақлаш ва ҳудудларни ободонлаштиришда «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳам ҳиссаси катта. **Бошқарма раҳбари Камолдин Набиев**нинг таъкидлашича, уч юз етмишдан ортиқ замонавий техникага эга корхона кунига 2000-2200 тоннага яқин чиқиндини ўз вақтида белгиланган жойга ташиб кетиш қувватига эга. Бугунги кунда пойтахтимиз маҳаллаларида ушбу корхонага тегишли 924 кўриқланадиган чиқиндихона мавжуд. Тизимнинг моддий-техник базасини тақомиллаштириш, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва атроф-муҳитга таъсирининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбир сўнггида соҳада амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган муаммолар ва уларни ҳал этишга қаратилган лойиҳалар хусусида ҳам атрофлича маълумотлар берилди, шунингдек, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ДИҚҚАТ, «ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

# ДАВЛАТ МУЛКИНИ ЁНГИНДАН АСРАНГ

**Ҳаммамизга маълумки, республикамиздаги нефть маҳсулотларининг катта фоизи Бухоро нефтини қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилмоқда. Бу корхона мамлакатимиздаги ўта муҳим объектлардан бири ҳисобланади.**

Завод ишчи-хизматчиларидан биринчи навбатда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига сўзсиз амал қилиш талаб этилади. Бунинг учун улар ўзлари ишлаб турган цехларда масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият олиб боришлари зарур.

Кўнгилсиз воқеалар, фалокатларнинг олдини олиш учун эҳтиёт чораларини доимий равишда кўриш керак. Масалан, муҳандис-назоратчилар томонидан берилган барча ёзма кўрсатмалар ўз вақтида бартараф этилиши шарт. Корхона цехлари ва завод худудиди ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда тўқилган нефть маҳсулотларидан ўз вақтида тозаланиши лозим.

Шунингдек, заводда мавжуд барча сув иншоотлари, автоматик ёнгин ўчириш насослари ва ёнгиндан автоматик равишда дарак берувчи мосламалар доимо соз ҳолда бўлиши шарт. Завод худудида очик оловдан фойдаланиш ман этилади.

ДЕХХ бўлимларининг шахсий таркиби навбатчи смена хизматини олиб бориш ва ёнгинларни бартараф этиш ишларига бошланғич тайёргарликдан ўтган, мазкур қоидалар бўйича синов-имтиҳон топшириганидан сўнг белгиланган тартибда руҳсат бериллади.

ДЕХХ бўлимларининг шахсий таркиби навбатчи смена хизматларини олиб боришда, ўқув машғулоти ўтказишда, ёнгинларни ўчиришда ва улар билан боғлиқ биринчи навбатдаги авария-қутқарув ишларини бажаришда хавфсиз ишлаш шартларини яратиш учун ДЕХХ бошқаруви органлари ва бўлимларининг мансабдор шахс-

лари куйидаги ишларни амалга оширишга мажбурдир:

- меҳнат муҳофазаси бўйича қоидаларнинг бажарилиши юзасидан ўрнатиш тартибда йўриқномалар ўтказиш;
- меҳнат шартларини имкон қадар енгилаштириш ва кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни механизациялаш чораларини кўриш;
- Ўта муҳим объектларни ёнгиндан муҳофаза қилувчи ДЕХХ бўлинмалари шахсий таркиби ишга киришиш олдида иш жойида бирламчи меҳнат муҳофазаси қоидалари талаблари бўйича йўриқнома билан таъиниши, йўриқнома журналига имзо қўядилар.

Азиз ҳамюртлар, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш билан сиз ўз уйингизни, корхонангизни, қолаверса, ҳаётингизни офатлардан асраб қоласиз.

**Акмал АСАДОВ,**  
Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи электр техник таҳлилхонаси мутахассиси.

**ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

# «Асака» банк жамоаси

**Сизни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги байрами билан табриклайди ва миллий валютадаги куйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

## «Конституция-2014»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

**Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-49-93	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-93	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-18-61	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**Барча омонатлар Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- миқдори чекланмаган.

**«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

**www.asakabank.com**

**Хизматлар лицензияланган.**



СПОРТ

# Истеъдодлар оз эмас

Уларга эътибор бериш, шароит яратиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда...

Яқинда пойтахтимизда велотрек бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган велоспортнинг — омниум йўналиши бўйича ўтган ушбу мусобақада Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган юз нафарга яқин спортчи ўртасида голиблик учун кескин кураш борди.

Эркалар ўртасида Темуր Гумеров олтин медаль билан тақдирланди. Владимир Тўйчиев, Руслан Фёдоровлар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Аёллар баҳсида Ольга Дробишева Ўзбекистон чемпиони бўлди. Алла Безуглова, Ольга Жамтугановалар эса совриндорлар сафидан жой олишди.

Мусобақада ўттиз нафарга яқин ўсмир ва киз иштирок этди. Айниқса, унда кўп қарра Ўзбекистон чемпиони ва қатор халқаро турнирлар голиби, халқаро тоифадаги спорт устаси Олег Волоцковнинг қатнашгани ёшлар учун унутилмас воқеа бўлди. Кейинги йилларда бир қатор хорижий спорт клубларида фаолият кўрсатиб келатган бу мутахассис 52-рақам остида ўз маҳоратини намойиш этди. Волоцков кучлилар сафидан ўрин олган бўлса-да, ўш спортчилар билан танишиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашганидан мамнун.

— Ўзбекистон — дунёда спортни жадал ривожлантаётган мамлакатлардан бири саналади, — дейди Олег Вольтович. — Буни ўзбек спортчилари қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида эришяётган юксак натижалар ҳам

исботлаб турибди. Мен Тошкентнинг «Қоратosh» маҳалласида туғилиб, вояга етганимдан фахрланаман. Профессional спортдаги фаолиятимни яқунлаган бўлсам-да, тақдиримни барибир шу соҳа билан боғлаганман. Халқаро майдонларда ўзбек велоспортчилари иштирокини доимо кузатиб боришга ҳаракат қиламан.

Шу йилнинг 21-28 сентябрь кунлари Испаниянинг Понферра шаҳрида велопойга бўйича ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида мутахассис сифатида бевоқиф иштирок этдим. Ана шу мусобақа доирасида Ўзбекистон велопойгачилари билан учрашдик, фикрлашдик. Айнан уларнинг тақлифи билан Тошкентга келдим.

— Мутахассис сифатида юртимизда ушбу спорт турини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикрингиз қандай?

— Ўзбекистонда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб ўлгайишини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган, бу жараёнда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳар қанча

таҳсинга лойиқ. Агар ўзим велоспорт билан шуғулланган давр билан бугунни таққослайдиган бўлсам, ҳозирги ёшларга ҳавас қиламан. Эндиликда нафақат Тошкентда, балки республиканинг турли вилоятларида бу спорт тури жадал оммалашиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Бугун болалар спортга берилаётган эътибор, шаҳар ва туманларда замонавий спорт иншоотлари, спорт майдонлари барпо этилаётгани келажакда ўз самарасини бериши табиий, албатта.

— Велотрек бўйича ўтказилган мусобақада ўзингиз ҳам ёшлар билан тенгма-тенг баҳслашдингиз. Спортчиларимизнинг имкониятлари ҳақида нима дейсиз?

— Охириги пайларда жаҳонда велоспорт жадал ривожланмоқда. Кўплаб мамлакатлар ушбу спорт тури бўйича миллий турнирларни қитъа ва халқаро мусобақалар тақвимига мувофиқ ҳолда ўтказаяётгани бунинг аққол тасдиғидир. Мамлакатингизда спортнинг ушбу ва бошқа турлари ички ривожлантирилаётгани, спортчилар халқаро даражада тайёрланаётганидан хабардорман. Жамолдин Абдуҷаббаров, Зулфия Забирова, Фатима Галиуллина, Сергей Лагутин, Владимир Тўйчиев, Муроджон Холмуродов каби моҳир спортчилар номини бугун нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам яхши билишади, танишади.

Бу ерда юксак савиядаги тажрибали мутахассис ва мураббийлар талайгина. Кўплаб истеъдодли ёшларни тарбия-

лаган Мануэль Тўйчиев, Людмила Маркелова, Андрей Лисак, Сергей Лагутин каби устоз-мураббийларнинг бекиёс хизматлари туфайли аънаналар давом этмоқда. Спортчилик фаолиятимда улардан жуда кўп нарсаларни ўрганганман. Чемпионат давомида айнан ана шу таниқли мураббийларнинг шогирдлари билан куч синашдик. Менинг иштирокимни эса рақибларим маҳорат дарси сифатида қабул қилишди. Мусобақа давомида уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга, айрим билмаганларини ўргатишга ҳаракат қилдим. Наманганлик Дилмуроджон Сиддиқов, тошкентлик Валерий Липин сингари ёш велопойгачиларнинг интилиши ва шижоатини кўриб, ўзбек велоспортининг порлоқ истиқболига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Велоспортчиларимизнинг жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларида юксак марраларни забт этишлари учун яна қандай ишларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Бу ўлкада истеъдодли ёшларнинг кўплиги — Ўзбекистоннинг ютуғи! Юқорида таъкидлаганимдек, жаҳонда велоспорт жуда тез ривожланиб бораётган. Бу спорт тури бошқалардан ўзининг техник томонлари билан ажралиб туради. Тошкентда велотрек учун махсус барпо этилган велодромда ўтган мусобақаларда қатнашдик. Бу иншоот барпо



этилганига анча бўлган. Агар Ўзбекистон спортчиларининг янада катта ютуқларни қўлга киритишини истасак, бу каби иншоотлар халқаро андозалар асосида қайта таъмирланса, айни муддао бўларди. Мени бир нарсани уйлантиради. Машҳур халқаро велотур баҳсларида ҳам Ўзбекистонлик велопойгачилар кўзга ташланмапти.

Хозирда Испания, Франция, Италия йўллари бўйлаб ҳар йили аънанавий тарзда ўтказилаётган жаҳон миқёсидаги велотурлар иштирокчиларидан ўзбек велопойгачиларининг ҳеч қандай кам жойи йўқ. Гарчи, бу мусобақаларда бош совринни қўлга киритиш осон бўлмаса-да, уларда ЎЗБЕКИСТОН номидан майдонга чиқишининг ўзи катта шараф, деб биламан.

Шунингдек, велопойга баҳслари ўзининг оммабоплиги ва томошабоплиги билан ҳам ажралиб туради. Мисол учун, дунёнинг машҳур телеканаллари «Тур де Франс» каби велопойга мусобақаларини намойиш этишга катта аҳамият қаратади. Бу эса велоспортни ривожлантириш орқали мамлакатларнинг жаҳонга янада кенгроқ танитишга жуда қўл келади. Бундан ташқари, велоспорт инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, чиниктиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ха, юртимизда истеъдодли ёшлар талайгина. Бугун мамлакатимизда уларни қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун Президентимиз ва давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилляпти. Юқорида мутахассис таъкидлаганидек, қаердаки, мустаҳкам моддий-техника базаси яратилса, қўлга киритилаётган ютуқлар янада залворли бўлади. Жумладан, айни пайтда велопойгачиларимиз бир қатор йирик мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишяпти. Эндиликда уларнинг Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида ўзларини кўрсатиш фурсати келди. Бунинг учун эса, аввало, Ўзбекистон велоспорт федерацияси мутахассислар малакасини ошириш, халқаро тажрибага эга етук кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратишлари талаб этилади. Ўз навбатида замонавий технологиялар билан таъминланган махсус велоспорт клублари ташкил этишга эътибор қаратиш лозим. Чунки буни давр тақозо этмоқда. Зеро, улкан галабалар ўз-ўзидан қўлга киритилмайд.

Эркин ХОЛБОБО,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## «101» ОГОҲЛАНТИРАДИ

Ҳар қандай ёнғинда моддий бойлик, катта меҳнат эвазига тикланган иморат ёниб кетиши мумкин. Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳаёти ҳам хавф остида қолади.

## МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

Ёнғин сўзини эшитган ҳар қандай инсон, аввало, даҳшатли манзарани тасаввур этиб, бундан ўзига яраша хулоса чиқариб олиши зарур. Мана шундай оғир ҳолатга тушиб қолмаслик учун ва «тилсиз ёв»ни жилавланганда унинг юз беришининг олдини олишда ёнғин хавфсизлиги ходимлари доимо фуқароларга ёрдам қилини чўзади.



Ноҳушликларнинг аксарияти ёнғин хавфсизлиги қондаларида ривожланиб келиб чиқади. Кўзимизга арзимасдек бўлиб туюладиган оддий талабларга эътиборсизлик бир кун келиб катта талофат олиб келиши кўп марта кузатилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг асл мақсади ҳам ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган. Агар хавфсизлик масаласига барча бирдек масъулият билан ёндашиб, жиддий эътибор қилсагина, ёнғинларнинг олди олинади ҳамда одамлар ҳаёти, мулки асраб қолинади.

Фаррух РАҲИМОВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ  
28-ҲЕҲК кичик инспектори.

Реклама

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 30 декабрь ва 2015 йил 6, 8, 13 январь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдоларга тақлиф этади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шўх кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг қўйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилади:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдоларга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1.	«ASIA PIPEPLAST» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 327-«б» уй	Шиша толали қувурлар ишлаб чиқариш	45 635 559 919,47	20 013 138,70
2.	«REGISTON PLAZA» МЧЖ	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 53-уй	Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш	42 967 000 000,0	18 842 861,40
3.	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 2-уй	Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш	24 008 000 000,0	10 528 531,58
4.	«TOSHKENT QOG'OZI» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй	Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	29 198 000 000,0	12 804 567,86
5.	«KOSON TEXTILE» МЧЖ	Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Мираҳмедов кўчаси, 28-уй	Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1 663 864 000,0	729 675,30
6.	«KURGAN TEX» МЧЖ	Андижон вилояти, Жалақудук тумани, Ойим қишлоғи, Мадаминов кўчаси, 46-уй	Калава ип ва мато ишлаб чиқариш	40 439 253 000,0	17 734 336,57
7.	«NUKUS TEXTILE» МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, «Нукус — Тўрткул» магистралли	Калава ип, мато ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ҳамда тиббиёт бинти ишлаб чиқариш	12 581 279 000,0	5 559 729,64
8.	«TO'YTERA TEKSTIL» МЧЖ	Тошкент вилояти, Тўйтера шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 2 «а»-уй	Калава ип ва газлама ишлаб чиқариш	57 710 000 000,0	25 308 295,47
9.	«MARG'ILON BO'YOQ TEKSTIL» МЧЖ	Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 400-уй	Матони оқартириш ва бўяш	7 752 752 000,0	3 399 912,29
10.	«EASTBRICK» МЧЖ	Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, Қизилтепа ҚФЙ	Фишт ишлаб чиқариш	2 845 645 000,0	1 322 012,44

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари: Савдо голиби улушининг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бунда пули сифатида, қолган қисmini олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти, ҳўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарт билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг

қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзига бериш ва унинг иш ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

✦ юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ жимсионий шахслар учун — паспорти (истикҳомат гувоҳномаси) нусхаси,

савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қўнун ҳужжатларида ўрна-тилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закат ўтказилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

✦ икки нусхадаги ёпиқ конверт-лага солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор тақлифлари:

✦ сотиб олиш тўловларининг тақлиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

✦ тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри

савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қўнун ҳужжатларида ўрна-тилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закат ўтказилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

✦ икки нусхадаги ёпиқ конверт-лага солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор тақлифлари:

✦ сотиб олиш тўловларининг тақлиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

✦ тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри

**MUASSIS:**  
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHIR HAY'ATI:**

Abdulla Oripov	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDIN	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxonа — 233-65-45**  
**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**  
**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

**Г — 1159**  
12138  
nuxsada bosildi.

**Nashr ko'rsatkichi — 220**  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 22.10  
Topshirilgan vaqti — 03.25

**Sotuvda kelishilgan narxda**

Navbatchi:  
Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5